

УШБУ СОНДА:

2-БЕТ

● **БУ ДУНЕНИНГ ЎЗИ КУЙ**

... Қафасдаги қушлар бир маҳал қўшиққа ҳамоҳанг сайрай бошлашди. Уларнинг овозлари куй оҳангарига айнан тушарди, умуман адашишмасди.

4-БЕТ

● **БОЗОРДА ТОНГ ОТДИ**

Илло, тонг вақтида тун билан кун қоришиб кетгандай, барча йўғонаётгану мудраган нарсалар бир-бирига аралашиб кетгандай туюлади. Бу пайт кўнгилда қандай ажойиб ниятлар тугилишини айтмайсизми!

7-БЕТ

● **«АЖДОДЛАР МЕРОСИ»НИНГ КИРДИКОРЛАРИ**

Гитлер ноёб маълумотларга эга бўлган устозини ўлдиришига қўли бормай, Туркияга бадарға қилиш билан чекланди. Барон Туркияда жуда қизиқ ҳолатда, 1945 йилнинг 9-майида, яъни уруш тугаган кунни денгизда чўкиб ўлади.



Муҳиддин ОЛИМПУР сурати

Август.
 Тоғларнинг кўксига суянади кўк.
 Хаёлдай сокин
 Жилғанинг машқи суст —
 кўклам каби кўм-кўк

ва жимжит жимирлаш
 юзида юзади...
 Жилға (ўзандай ўрамыш ҳасратлар)
 тип-тиник ва ҳолсиз Осмонни
 кузатиб,
 ўйлар: «Ўйлар Осмоннинг туби...
 У, баҳор, ишқ каби сачратар —

танини тошларга уради Жилға,
 гулларнинг юзида Жилғанинг тани...
 Бутун олам муштоқ — кўк бунини
 илғаб,
 гулдурос ва шаррос куйлаганида...
 Баҳорги шарқираб ўйнашлар қани!»

Осмон кексанинг ақлидай тиник
 ва яна... ва яна... ва яна...
 (наҳот шул мўйсафид кўкламги
 оқин?)
 тоғларнинг кўксига ҳолсиз суянар...
 Баҳорни туш кўриб ичи қизиган
 тош каби
 Жилға
 жимирлайди хаёлдай сокин.

Август.

Икром ИСКАНДАР

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

ТЎЛҚИН ШОДМОН:

ҚУРБАҚАГА АЙЛАНДИГАН ОДАМЛАР

ЁЗУВЧИ ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ

БИЛАН СУҲБАТ

АДАБИЁТ АЁЛНИНГ КУНДОШИМИ?



ҲАЛИМА НОСИРОВА:

МЕН УНИНГ ҚУРБОНИМАН...

ДИЛМУРОД САЙИД:

ОЛТИ ЁШЛИ УҒРИ

«Оила ва жамият» 29(152)

Ҳодиса

ХУДО АСРАДИ

Асрагани шу бўлса керак. Тошдуннинг оилави ётоқ хонасида истиқомат қилувчи довлардан бирининг Дилфуза исми 5 ёшли қизи ва Умид исми 4 ёшли ўғли кечки пайт чордоқда ўйнаб, 2-қаватдан ошхона элига йиқилиб тушди. Одатдагидек, ошпазлар ишдан кейин стол-стуллари йиғиштириб, идиш-товуқларни саранжомлаб кетишган, аммо биттагина на стул зал ўртасида қолган экан. Тасодифни қарагинки, шу болачалар кетме-кет ана шу стул устига «tap-tup» тунди, кейин бетон полга ду-малаб кетишган. Натияжада... қизанинг бурни қонди, хо-лос. Бола эса ҳеч нарса кўр-магандай ўрнидан сакраб туриб кетган эди.

Кўрқиб кетган ота-оналар болаларни тиббий кўридан ўтказиш учун шоше-пиша ка-салхонага югурди. Дух-тирлар обдон текширгач, бо-ларда жисмонан ва руҳан ҳеч қандай узғариш содир бўлмаганини айтишди. Дил-фуза ва Умид ҳеч нима кўр-магандай ўйнаб-қулиб юри-шибди. Ҳа, худонинг асрага-ни шу бўлса керак...

Ю. ҲАМДАМОВ

Бир куни


Дўстим икки-учта конарей-ка (саъва дейишадими) бо-қарди. Бир куни унинг уйда гаплашиб ўтириб, магнито-фон кўйдик. Нечанчи кўшиқ-да эканлиги аниқ эсимда йўғу бояги қафасдаги қуш-лар бир маҳал кўшиққа ҳамо-ҳанг сайрай бошлашди. Улар-нинг овозлари куй оҳанг-ларига айнан тушарди, умун-ман адашишмасди. Ундан ҳам қушларнинг кўшиқ тан-

БУ ДУНЁНИНГ ҲАММА ҲАММА КҮШИҚЛАРИГА

лагани ҳайратлангирди биз-ни. Яъни улар ҳамма кўшиқ-ларга ҳам жўр бўлавериш-масди, таъбир жоиз бўлса, дилларига ўтиришганига қў-шилишарди...

Шунда мен мусиқанинг илоҳийлигига тан бердим. Одамзот чиндан ҳам куйни шамолларнинг гувиллаши-дан, ёмғир шитири-ю япроқ-лар шивиридан ва ниҳоят қушларнинг сайрашларидан олганлигига ишондим. Асли-да бу дунёнинг ўзи гўзал мусиқа экан. Бояги қушчалар баъзи кўшиқларнинг куйла-рида ўз тилларида сўзла-наётган бир нималарни ан-лашган бўлсалар не тонг!..

Наби ЖАЛОЛИДДИН



В. ДУБРОВСКИЙ сурати

ЗИЛЛОК

ТАЛАБАГА ИМКОНИАТ КЕНГАЙДИ

Сухбатдошим Шамил БО-ЛБЕКОВ, 1947 йил Фориш туманида туғилган. 1970-75 йиллар Тошкент Политехника олийгоҳида тахсил олган. 1992 йилдан буён Тошкент-даги «Ёшлик» талабалар ша-ҳарчасининг ҳоқими. Оилали, бир ўғли бор.

— Шамил ака, «Ёшлик» та-лабалар шахарчаси ҳокимия-тининг фаолияти бошқа ҳоким-ликлардан қандай фарқ қилади?

— Фуқароликнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Фарқ шунда бўлса керак, деб ўйлайман. Фаолиятимиз ёшлар-нинг турфа мутахассисликларни эгаллашларида ҳар томонлама кўмак бериш, қўллаб-қувват-лашдан иборатдир.

— Ёшларга кўмак бериш, дедимиз... Бизда кўмак абабта моддий ёрдам маъносига тушу-нилади-да. Шу борада қандай тадбирлар кўрилолмоқда?

— Сўнги олти ой мобайнида ошлавий азволи оғир, иқтисодий қийналган талабаларимизга маҳаллар, қолаверса С. Раҳи-мов туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда 7 миллион сўм-кўпон моддий ёрдам бердик.

— Шамил ака, масалан Амрико ёшлари ҳатто идиш-то-

воқ ювувчи бўлиб ишга жой-лашмаса ҳам гуруҳлари юри-шаркан. Улар ҳам ўқийди, ҳам ишлаб пул топишади. Бизда ҳам ўқиндан бўшаган вақтлари бирор жойда ишлайдиган тала-балар сони кўпаймоқда. Шу ҳу-сузда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ёшларимиз ўқидан бўш вақтлари бирор юмуш билан машғул бўлишни хоҳлашар экан, марҳамат. Бунинг ҳеч ёмон то-мони йўқ. Бу ҳам талаба учун, ҳам унинг оиласи учун моддий энгиллик бўларди. Фақат, тала-баларимиз ўқидан чалғима-салар бўлди. Амрико ёшларини мисол келтирдимиз, уларнинг оддий ишдан ҳам (аслида иш-нинг оддийси бўлмайдими) гу-руҳлари юришларига сабаб, ишга жойлашиш қийинлиги. Бизда бу борада имкониятлар кенгроқ. Мисол тариқасида ша-ҳарчамизда ишчи-талабалар, журналист-талабалар, ўқитувчи-талабалар, таржимон-талабалар ва ҳокимо турли касбларда иш-ловчи талабаларнинг кўпайган-лигини айтишим мумкин.

— Ёшлар билан муро-са қи-либ ишлаш, уларнинг кўнглига йўл топиш осони, қийинми?

— Осон эмас, лекин қийин десам ҳам тўғри бўлмайди. Би-ласизми, ёшлар билан ишлаш мароқли. Ҳокимиятимиз тасар-

руфидоғи ётоқхоналарда 12500 чоғли талаба яшайди. Сиртки бўлимларда тахсил оладиган ёш-лар билан қўшиб ҳисобласак, бу саноқ 35000 га етади. Албат-та, дастлаб иш бошлаганимда қийинчиликлар, иккиланчиликлар бўлган. Ҳозир эса, кўнглим тўқ. Ҳар бир ётоқхонага фаола-ри-миз бириктирилган. Оқибатда ёшларнинг биз билан бамас-лаҳат иш тутишлари имконият-лари кенгайди.

— Шамил ака, шахарча хо-кимининг бир кунлик иш тарти-би қандай?

— Қисқача айтсам, эрталаб соат 8 дан, кеч соат 21—22 лар-гача ишлайман.

— Кенгроқ қилиб айтган-дачм?

— Одатда соат саккиз ҳам бўлмай келаман. Шаҳарчани бир айланиб чиқаман. Дарса, ош-хонага кетаётган талабалар би-лан суҳбатлашаман. Уларнинг янаш шароитлари билан қизиқа-ман. Уқув машғулоти қандай кетаётганини сўраб-сўриштира-ман. Домлар билан учраша-ман.

— Айни кунларда шахарча талабаларга талабдор ёшлар, яъни абитуриентлар билан гав-

жум. Уларга шароит яратилиб берилганми?

— Ҳа, албатта. Ўқинишга ки-риш учун келган ётоқжойга муҳ-тож ёшлар учун ичта ётоқхона бўлиб берилади. Ошхоналари-миз улар хизматига. Иккам қадар бошқа шароитларни ҳам яратиб беришга интилашмиз.

— ТошДД юбилейни ўтказ-иш ташкилий кўмитас аъзоси сифатида айтсангиз. Юбилейга тайёргарлик ишлари қандай борапти?

— Маълумки, Тошкент Дав-лат Дорилфунуни Ўрта Осиё худудидоғи энг катта билим масканларидан биридир. Мен ўйлайманки, бу нафақат дорил-фунун, балки бутун жумҳурия-тимиз илмсевар кишилари бай-рамидир. Тайёргарлик ишлариға тўхтаб қолган бўлсак, шахарча-да ободонлаштириш ишлари аллақачон бошлаб юборил-ган. Бундан ташқари, ҳокимия-тимиз бу ишдан ҳеч қачон четда турмайди. Бу борада нима иш қилиш, лозим бўлса, кучимиз еганча тайёрмиз.

— Янги ўқув йилига тайёр-гарлик ишлари ҳам бошланган-дир?..

Етти кун

«ОЙИМ УЙДА БҮЛМАСАЛАР» ЗҮР БҮЛАРКАН

Яқинда Ғаллаоролдаги Маржонбулоқ шаҳарчаси «Марва-рид» болалар боғчасида одам дегани уюлиб кетди. Бу ерда «Дадам ҳамма ишни қойиб қилади» беллашуви ўтказилди. Аиниқса, беллашувнинг «Ойим уйда бўлмасалар» шарти то-мошабинларга жуда маъқул келди.

Беллашувда Ерлақаб Исломов ўғли Жасуржон билан бирга «ҳамма ишни қойиб қилиб» голиб чиқишди, деб хабар беради ўйин ташкилотчиларидан бири Абдуҷалол Донабоев.

НАФСНИ ТИЙМАГАН ҲАЛАК

Ўтиш даври одамларни нафақат тадбиркор бўлишга, балки камсуқумликка ҳам ўргатмоқда. Яқинда нарфси ҳақкалак отган-лар учун сабоқ бўларли яна бир воқеа юз берди. Пойтахт метро-сида юриш учун ишлатиладиган чиптанинг ранги ўзгарди.

Шу боис, сўм-кўпонга кўллаб «қизил чипта» галлаб қўйган-лар куйиб қолишди. Кўкпатта «оға»сининг қадрини икки баро-бар тушириб юборди.

ҒАРОЙИБ МУАММО

Каттақўрғон туманига қарашли қўрғонлардан бирида туғриқ-хона янги бинога кўчганди. Афсуски, туғриқхона талабга жавоб беролмас экан. Айтишларича, бинонинг барча эшиклари тор-лиги учун ҳомилдор аёлларнинг кириб-чиқиши қийин бўлмоқ-да. Эшик торлигига сабаб эса, усталарнинг «ишбилармонлиги» эди. Бино қурилаётган чоғда, аёлларнинг қарғиши ургулар, уч эшикка мўлжалланган тахтадан тўрта эшик ясашган ва ҳар тўртинчисини орқалаб кетишган экан.

ЖАНОБЛАР ВА ХОНИМЛАР!

Сиз учун Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ кўмитасида биринчи августдан бошлаб «Ишонч телефони» ишлай бошлади. Шанба ва яшканбадан ташқари ҳар куни соат 9⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача сиз телефон орқали солиқ соҳаси ва солиқ органларига тегишли муаммолар, таклифлар, ноқонуний ҳатти-ҳаракат, ҳамда камчи-ликлар ҳусусида хабар қилишингиз, ўзингизни ўйлантираётган саволларга жавоб топишингиз мумкин.

Марҳамат, сиз қўқинг: «Ишонч телефони» — 41-76-00

ФАЛОКАТ ОЕҚ ОСТИДА

Пойтахтнинг марказий майдонлардан бирида, фонтан ҳо-вузида чўмилаётган бир бола чўкиб кетди. Хайриятки уни тезлик-да қутқаришиб, шифохонага жўнатилди.

ОТА-ОНАЛАР

Ёзининг жазирама кунлари чўмилиш чўкиш хавфинигина туғ-дириб қолмасдан, касаллик ҳам тарқатмоқда. Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг оғоҳлангирчи, очик сув ҳавзаларида чўми-либ касалланаётган болалар сони ортмоқда. Атрофингизда юз бераётган воқеалардан ҳулоса чиқаринг. Болангизни эҳтиёт қилинг!

ЎЗИГА ХОС «УСЛУБ»

Ва ниҳоят «Китоб-Тошкент» поезидида ҳам тартиб ўрнатиш-га киришилди. Энди вагонга чиқиш олдида ҳўжжатларингиз ва патталарингиз текширилади. Чипта қургур эса одатдагидек-йўқ, фақат умумий вагонга, марҳамат.

Мутасадди темирўйчларнинг ўйлай-ўйлай топган усуллари қанчалар хомлигини бекатларда қолиб кетаётган йўловчилар сони ҳам тасдиқлайди. Мақсад чипталарнинг «қўл»да пуллов-чиларни тугатиш бўлса, аввало касалларда уни сотиш керак. Бу ҳам бўлмагач, эски тос-эски ҳаммом афзалроқдир.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

— Баъзи ётоқхоналарда таъ-мирлаш ишларини бошладик. Талабалар келгунча қадар дўкон пештахталарини озиқ-овқат ва кўндалик эҳтиёж моллари билан тўлдириб имкониятларини қиди-рашмиз.

— Мабағ масаласида қий-налмайсизларми?

— Мабағни талабалар ўзла-ри топишяпти. Яъни улар тежа-ган газ, сув, электр энергияси мабағлари ҳисобига керакли ишларни амалга оширашмиз.

— Мен сўрамаган, лекин ўзингиз айтмоқчи бўлган гап-ларингиз бўлса...

— Талабаларга инсоф берсин. Улар илмдан ўза бўлмағур нарсаларга асло чалғишмасин. Биз уларга қўлимиздан келан-ча шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилашмиз. Талабалар-дан талабимиз эса, фақат дил-лом учун эмас, билимли бўлиш учун ўқинсин. Ётоқжойларда газ, сув, электр энергиясидан тежаб-тереб фойдаланишга одатлансинлар.

Бахриддин АБДУ САИД суҳбатлашди

Ҳайлик нима ўзи? Қаердан пайдо бўлади у? Илдири қаерда унинг?

Ҳайлик, назаримда, маърифатсиз муҳитда, қалб қоронғу жойда пайдо бўлади. Бировнинг манфаати бошқа бировнинг манфаатидан устун қўйилса, шахсий, тор доирадаги муддаолар қўзғалиб қолса, бу тушунча ҳодисага айланади. Маданиятнинг паст даражаси, дунёқарашнинг ҳаминқадарлиги, тарбиянинг нотугаллиги бу ҳодисани ҳаракатга келтиради.

Турмушдаги ҳар хил етшмовчиликлар, нафақат оила, ҳар кишининг ҳаётидаги иқтисодий муаммолар, шу

ҳам, буниси ҳам ноқомил муҳитда мудом асабийликлар, стресслар индивидни тошбағир, ёвуз мавжудотга айлантиради.

Биз ҳайлик сўзини атама сифатида эмас, мазкур тушунчани ҳодиса сифатида таҳлил қилишга уринмоқдамиз.

Илгари луғатимизда «гуманизм» деган сўз бўлар эди. Бунинсонпарварлик дейишди. Аслида инсонпарварлик гуманизмнинг бир жиҳати, холос. Ҳозир маънавий оламда гуманизм, инсонпарварлик тақчил бўлиб қолди. Чунки навойилар даҳосининг қўёши шу қадар баланддаки, унинг тафти дилимизни жуда

аввалу-охир (Худо) бошқалар учун умргузаронлик қилади. Бошқани ўзидан устун қўя олади. Ҳозирги турмушимиз тарзида, дунёқарашимизда шу икки қутб шунчалик қоршиб кетганки, биз на уёқлик, на бўёқликмиз — на олий, на қомил инсонмиз. Бу икки қутбни бир марказий нуқтада жамлаб бўлмайди. Қутбларнинг бир-бирини инкор қилишини ва айни пайтда бирисиз иккинчиси мавжуд бўлмаслигини табиий деб қабул қилиш керак.

Биз ҳайликнинг табиий, ирсият билан боғлиқ хусусиятларини эътироф этамиз. Пушти камар бошқа, пушти дигар бошқа. Тазодки, инсоният тафаккурининг кечаси ва буёғини тўпланган жами илғор тамойиллар инсонни инсонга жигарғўша, жонқуяр, деб тарбият қилади. Оққан, оқайтган ҳар бир дарёнинг ўз ўзани бўлади. Дарё ҳаминша ўз ўзанидан оқибди. Луғатимизга ўзанини топган дарелар деган қалима киришининг ўзиёқ хайрли қайтишлардан нишон беради.

Ҳайлик беэоналик дегани. Ота-онага, фарзандга, ёр ёки Ватан ёки бошқа бирон нарса ёхуд ҳодисага нисбатан беэоналик деганидир. Меҳру меҳрибонлик, шафқатли рафиқлик дунёни қутқаради. Беэоналик лашкарига қарши шафқатлик қўшимизни тугайлик.

Тангри таоло ҳар нарсани кўргувчи ва билгувчидир. У қандоқ хоҳласа шундоқ бўлади. Худонинг хоҳиши ва ишини бандаси муҳокама қилмайди. Ожизмиз. Дунё дун мувозанатини сақлаб тургувчи ягона Тарозибон Удир...

Салим АШУР



СУМБУЛА КЕЛДИ

С. МАҲКАМОВ сурати

ЎГАЙЛИК

ларнинг оқибати ўлароқ юзага келган маънавий кемтиклар, ота-бола, ака-ука, опа-сингил, ёр-биродарлар ўртасида ўгайлик муносабати учун замин яратилади. Меҳроқибат осмонга кўтарилди, одамлар эса ерда қолиб кетдилар. Ҳар бир хонадон, ўқитхона, шихона, кўча-кўй, қўйиники, номидёқ мағрур жаранеловчи инсоннинг қадами қаерга етса ўша жойларга Одамга хос муаммолар ҳам кириб борди. Муаммо қориндор ўргимчакка ўхшайди. Ечими топила-ди-да, юзлаб муаммолалар потраб чиқади, кейин улар ҳам шундай шиддат билан қорин қўя бошлайдиларки... Маънавият сунт жойда индивид кифасини жамият бузадди, жамият норасо жойда шу кифани етук маънавият ҳам ўзгартириши мумкин. Униси

оз иситади: пушкинлар чирокларининг нурларига эса... шубҳа билан қараймиз. Қошингиз чимирилмасин... Мен фақат сизни назарда, дилда тутайтганим йўқ. Ўзимиз — ўзимиз, улар ҳам, булар ҳам, улару булардан бошқалар ҳам, анавию манавилар ҳам, умуман Еру Осмон оралигидаги тафаккурдор хилқатларнинг бағоят катта қисми шу даражада ҳозир.

Оврёпо фалсафасида Олий Инсон деган тушунча мавжуд. Қаранки, фалсафадаги шу Олий Инсоннинг туриши ҳам Худбинлик хаширидан олинган. Шарқ фалсафасидаги қомил Инсон Фарб фалсафасидаги Олий Инсондан шуниси билан устунки, у нафс лашкарини буткул мағлубиятга дучор этади. Олий Инсон аввал бошқалар, сўнг ўзи учун яшаса, қомил Инсон

Панжара

КАЛАВАНИНГ УЧИ

«Самарқанд—Урганч» йўналиши бўйича қатнайдиغان автобусда, Самарқанддан келётган Х. исмли аёлниинг ёнидан юз грамм қорадори топилди. Маълум бўлишича, хоним Дружба шахрида яшовчи Ш. исмли шахсининг уйига кетаётган экан. Ш.нинг уйи тинтув қилинганда, гапининг «каттаси шу ердан чиқди. Хонадондан 765 грамм қорадори, 20 килограмдан зиёд марихуана, гиёҳванд моддаларни сотиш учун мўлжалланган торозилар ва ҳар хил қорадори чекиш асбоблари топилди.

ДОВДИР ОВЧИЛАР ҲАЁТИДАН

Ҳазорасплик икки ўртоқ балиқ овига чиқибди кўмсаб қолишди ва бошдан оёқ қаминшор бўлган «Даварак» кўлига равона бўлишди. Милтиқ билан балиқ пойлаётган Р. қаминларнинг беҳосдан қамирлаганини кўриб қолди. Р. шартта шу томонга қараб ўқ узди. Оғриқдан уввос солган О. кўп ўтмай ҳаётдан кўз юмди.

Ови бароридан келмаган Р. қаминшордан балиқ ўринга дўстини кўтариб чиқишга мажбур бўлди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ИИБ МАТЕБУОТ ХИЗМАТИ ХОДИМИ МУҲИДДИН НАВРУЗЗАЛИЕВ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

ЎТГАНДАН УРОҚ КЕТГАНДАН ҚЕТМОН

Янгиариқ шахри Янгиариқ кўчасида яшовчи бир жаноб Муस्ताқиллик кўчасига меҳмонга борди. Меҳмондорчилик зўр бўлди. Алқисса, нетмоққа чоғланиб кўчага чиққан меҳмон нима қиларини билмай қаювланиб қолди. Сабаби, кўчада турган машинасининг изигина қолибди, холос. Мезбонлар ҳижолат... Воқеадан милиция бохабар эгилди. Туман Ички Ишлар бўлими ходимлари қисқа вақтда ўғрини ўшладилар. Уғри шу кўчада яшовчи ва ҳеч қаерда ишламайдиган 34 ёшли Б. бўлиб чиқди.

ТАРКИ ОДАТ — АМРИ МАҲОЛ

Киссаюрлиги учун «ўтириб» чиққан Урганчлик бир касб афсуски насбни топтолмади. Яна шаҳар автобусларида «ов» қила бошладди. Бу эса изқуварлар ингоҳидан четда қолмади. Чўнтақтешар «Урганч-Хонқ» автобусида Хонқалик Т.нинг чўнтағидан 300 минг сўм-купони ўмараётганда қўлга тушди.

ТАСОДИФИЙ БАХТ

Эй ёрим! Сиз мени алддингиз. Айтмишларки, бахтга интилиш биз одамларнинг туғма хусусиятларимиз экан. Зеро, ҳар қандай киши дунёда бой бўлиш учун эмас, балки бахтли бўлиш учун яшайди. Сизнинг аҳволингиз қандай, бунини билмайми мен қанчалик интилсам ҳам бахтга эришолмадим.

Ҳаётимни тиллоларга алишмайдиган давримда сизни учратдим. Дусонимга бир сафар телефон қилаётиб, тақсифан сизга уланиб қолдим. Мафтункор овозингизга мен ахмоқ эрибман. Жодугар экансиз...

Орадан бир ойча вақт ўтди. Сизнинг илтимосингизга кўра учрашишга келишдик. Биринчи кўришганимиздаёқ гапга қизиқиб кетибман. Шайтон экансиз...

Шундан сўнг эса тез-тез бир-бировимизни йўқлайдиган бўлдик. Сиз совчи юбордингиз. Бунга бизниқилар ҳам қарши туришмади. Уч ой ичиде сиз билан танишиб, ўрганишиб ва розлашиб қўйиб эканман. Содда эканман...

...Тўйимиздан чамаси икки ҳафта ўтгач сиз ўзгара бошладдингиз. Юмиқоқингиз йўқола борди. Мен эса бунга парво қилмадим. Чунки сиз Эрка эдингиз! Аммо сизнинг қутилмаган даражада қўполлашиб кетишингиз мени ҳайратда қолдирди. Сиздан чўчийдиган бўлдим. Ҳатто икки-уч бор майда сабаблар пайдо бўлиб, сиздан калтак

едим. Нозик ва пок танам сизники бўлгани учун буларга ҳам чидадим. Чунки сиз менинги жаллодим эдингиз...

Энг даҳшатли воқеа ҳали олдимизда экан. Қунлардан бир кун сиз ёш гўдакли аёлни уйга бошлаб келдингиз. Уни «жўрамнинг хотини» деб таништирддингиз. Гапингизга нафақат мени, балки, ота-онангизни ҳам ишонтирддингиз. Лекин меҳмон аёл билан негадир атоқ-чапоқ бўла бошладдингиз. Очик-ойдин у билан галлашавардингиз. Сўнг акангизга бу аёл аслида сизнинг хотинингиз, гўдак эса сизнинг фарзандингиз эканини айтибсиз. Бу гапни овсиним менга етказди...

Бошим айланди. Кўзларим сўқир бўлди. Сиз мени алддингиз. Сиз ҳам эркакидингиз, ёрим?..

Дардимни қоғозга тушираётиб ҳурлардай дусоналаримга, фарштарий қизларга бир оғиз сўз айтишни жоиз деб билдим. Ҳурматли қизларжон! Тасодифан эришлаган бахт абадий бўлмас экан. Сиз яхши кўрган йиғит совчи юборса, ўйламадан «ҳа» деманг. Қўнғил тарозиси қонқўнча синишиб олинди. Ота-онангиз «топган» қувб балки сизни бахтли қилар... Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам шошилманг. Қўнғизини каттароқ очинг. Қўнда парвоз этиб юриб, парлари яралинган

МУҲАЙЕ,
Самарқанд вилояти

«Оила ва жамият» 29(152)



Р. НУРИНБОЕВ сурати

дўржи дейишади-ку, ана шундай кўлаб опкелиб, хафталаб шунда ётиб сотади-лар. Улар бозорнинг алоҳида тоифаси.

Бозорнинг яна бир тоифа эгалари, шаҳарда ўзларининг мўъжаз ҳовлиларига ул-бул эккан, эндиликда шу маҳсулотларини рўзгорга ҳарна ёрдам учун, сотмоққа келган одамлардир. Улар кўпинча ўз молларини улгуржи сотиб кетиш пайида бўлишади. Чунки, бошқа юмушлар ҳам йўқ эмас. Улардан улгуржи ва иложи борича арзон-гаровга мол олиб қолишга ишқибозлар эса, бозорнинг учинчи тоифасидир.

Ҳали кўча фаррошлари сурпуриларини қўлларига олгудай бўлгунча, бозорчиларимиз ўз атрофларини чиннидай ярақлатиб, тозалаб қўйишади. Тўғри-да, гирдингиз ифлос бўлиб ётсаю, сиз савдо қилаётган бўлсангиз, бирорта харидор яқинлашармикан! Қолаверса, тонг вақтида туриб, озодликка риоя қилган кишига ҳазрати Хизр бувамиз रिққ улашиб чиқармиш. Риқдан қуруқ қолиш одатдан эмас...

Ҳали қуёш уфқдан бош қў-

бўйи куннинг тифида харидорларга ялиниб мол ўтказиш осон эмаслигини рўқач қилиб туриб олади. Хуллас улар келишишади. Иккинчи тоифа, яъни ҳақиқий харидорлар келганида ҳаммаси ўз ўрнида бўлади. Энди бу тоифа турфа бўғинларга ажрайди. Баъзилари ўта инжиқ, баъзилари, савдолашмай олаверадиган «тантти», баъзилари «ҳеч нарса ҳарид қилмайдию, нархни сўрай-вериб, ҳоли жонингга қўйишмайди» ... ва ҳоказо.

Бу орада кун ёйилиб бўлган, уфқдан қуёш бош кўтарган бўлади. Тўғри, бозорда уфқни кўриб бўлмайди. Баланд цемент деворларнинг гирдишидан, расталарнинг тунука томлари орасида йиллар хосил қилган тирқишлардангина қуёш нурлари узун йўл топиб келади. Ёгин пайтлари одатда бу тирқишлардан ёмғир томчилари мўралайди. Гарчи, ёмғир томчилари راستада ўтирган бозорчини беҳаловат этса-да, тонгнинг илк нурлари унга ҳузур бағишлайди. У ўзини офтобга солганча, ҳафсала билан чой пуфлайди.

Мана, бозорга гурас-гурас одамлар ёпририлиб кела бошлашди. Бозор энди биқирлаб қайнамоққа тушган қозонни эслатади. Бу ерда турфа характерлар тўқнаш келади, феъл-атвори бир-бирига умуман зид одамлар ҳам бунда ўзаро мулоқотда бўлади. Бунда бани одам муомала маданиятининг энг юксак чўққисидан тортиб, энг тубан кўринишигача, олди-сотди давомида тез-тез зоҳир бўлиб туради. Кимдир ўз юриш-туриши билан сизни ўзига ром этса, кимдир хафсалангизни пир қилади. Бозор тобора қизий боради. Тобора мураккаблаша боради. Энди савдогарлар орасида рақобатми, харидор талашишми, шунга ўхшаш бир ҳол содир бўлади... Дарвоқе, биз фақат бозордаги тонг палласининггина тасвирламоққа жазм қилгандик. Келинг, шу билан кифояланайлик!

«Яхши ниятга ҳам, ёмон ниятга ҳам фаришталар «омин» деб тургай». Илло, эрта тонгда бозорга ошиқ-қанларда, барча-барчасида ҳам фақат яхши ниятлар бўлишига ишонаман. Кечаги кундан кўра бугунни яхшироқ ўтказиш, кимнингдир кўнглини олиш, бола-чақани тузуқроқ едириш-ичириш, савоб олиш ва бошқа илнжларда — яхши ниятда бозорга кетаётган юртдошларимизга бир сўз айтмоқ қарз: БОЗОРИНГИЗНИ БЕРСИН!

Икром ИСКАНДАР

БОЗОРДА ТОНГ ОТДИ

Тонг. Бонгнинг кўққис жарангидай ўйғонишга чорловчи сўз. Тўғрими? Илло, тонг вақтида тун билан кун қоришиб кетгандай, барча ўйғонаётган мудраган нарсалар бир-бирига аралашиб кетгандай туюлади. Бу пайт кўн-гилда қандай ажойиб ниятлар туғилишини айтмайсизми! Ҳатто ташвишларингизга ҳам, ўткннчи қайғу-ўйларингизга ҳам қандайдир ёқимли тус бериб, уларнинг асл моҳиятига пугур етказгандай бўлади тонг вақти. «Жароҳатларни вақт доволайди» дейишганда, донишмандлар тонг вақтини мал-ҳам дея тасаввур этишган бўлса-да, ажабмас...

Бозорга туташувчи йўл бўйлаб, ғира-шира бир вақт-даёқ, от дупурлари ва арава-

нинг тезгина кетаётганини англаувчи овози бир маромда теваракка ёйилади. Кундуз кунлари шаҳарда арава-ни бошқа учратолмайсиз. Машиналарнинг серқатновлиги билан от араванинг сокинлиги ҳали келишолган эмас. Арава тўғри бозор дарвозаси сари юради. Унга ортилгани эса, бугун сотилиши лозим бўлган юклар...

Табийки, бозор ичиди дарахт йўқ. Бўлганида, бозорчилар ўзларининг кушлар чуғури билан барабар ўйғонаётганликларини кўришарди. Қатор расталарга кўрпа ёзиб, жиндайгина қуш уйқусини олган бозорчилар бир-бир ўйғонадилар. Булар бозорнинг бошқа вилоятлардан келган меҳмонлари. Улар ўз маҳсулотларини,

тармай туриб, мана, бозорда савдо қизий бошлади. Юқориди биз сотувчиларнинг уч тоифасига тўхталдик. Шунингдек харидорлар ҳам икки тоифага ажрайди. Сотувчиларнинг иккинчи тоифасига мансублари айни пайтда харидорларнинг биринчи тоифаси саналади. Яъни, бу «оларману-сотарман»лар бозорни бошлаб беришади. Улар расталарни виқор билан оралаб, маҳсулотларга менсимангандек нигоҳ ташлашади. Уз вақтида молни арзонга олишга уларнинг «виқор»лари асқотиб қолади.

Савдо қизигандан қизиб боради. «Олганга ўнта ҳам оз, берганга битта ҳам кўп». Молини кўтара бераётганлар бир сўм бўлсаюм оширсам дейди. Олувчи эса, кун



Мусаев Тоҳир Аҳадович Ўзбекистон Давлат Солиқ қўмитаси Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини назорат қилиш бошқармасининг бош солиқ инспектори

— Тоҳир ака, сизларнинг зиммангизга нималар юклатилган!

— Қўмита бажарадиган ишлар жудаюм кўп. Жумҳуриятдаги ҳар қандай хусусий дўконлар ва давлат дўконларини ўз фаолиятларида қонуниликка қандай амал қилишаётганини текшира-миз. Уларнинг фаолиятига рухсат берамиз. Асосий қиладиган ишларимиз шаҳар, вилоят ва туманлар билан боғлиқ. Биз қўлимиздаги асослар — яъни қонунларга таъниб, тегишли буйруқлар берамиз.

— Чет эллардан келтирилган ёки ўзимизда тайёрланган молларнинг сотува қўйилиши қандай амалга оширилади!

— 1993 йилда киритилган Маъмурий Кодекс (166—3) да кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган ва хорижий давлатлардан олиб келинадиган турли истеъмол моллари сифат белгисиз сотилиши қатъиян ман этилади. Агар қонун бузилса тегишли чоралар кўрилади. Аниқроғи, сифат белгисиз савдога қўйилган

моллар мусодара қилинади. Айбдор шахс ушбу ҳолатда энг кам маошнинг 10—20 баробаригача миқдорда жазима ҳам тўлайди. Бир йилда иккинчи мартаба такрорланган қондабузарлик учун эса юқоридагидан икки баробар ошқ даражада пул ундириб олинади.

Яна бир муҳим гап бор. Масалан, дори-дармонлар сотиш билан шуғулланувчи савдо ходими биринчи галда дориларни сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича билимга эга бўлиши шарт. Уз ўрнида озиқ-овқат маҳсулотларини ёки турли хил саноат молларини сотадиган шахслар ҳам ушбу шартга бўйсинадилар.

Яқинда тиббий дори-дар-

монлар савдосини тартибга солиш борасида Президентимизнинг Фармони эълон қилинди.

Қўмитамиз бу соҳада назоратни яхшилаш учун тегишли чора-тадбирларни кўрмоқда. Утган ярим йил ичиди (пойтахт бўйича) 712 та шахс ноқонуний равишда кўчаларда ва бозорларда ҳар хил дорилар сотаётганликлари аниқланди. Уларга 124 млн. 500 минг сўм-кўпун жарима солиниб, бир ярим минг хилдаги дори-дармонлар мусодара қилинди. Мусодара қилинган дорилар дастлаб лаборатория текширувдан ўтказилиб, сўнгра истеъмолга яроқлилари Тошкент шаҳар касалхоналарига тарқатилди. Бу дориларнинг

бир қисми истеъмол муддатидан ўтганлигидан беҳабар одамлар уларни сотиб олишга улгурган бўлсалар ажаб эмас. Бунинг оқибати эса бемор-бечораларга ураётганлигини ўйлаб ачинасан киши.

— Айтинг-чи, харидорнинг қандай ҳуқуқлари бор!

— Саноат маҳсулотларини сотиб олаётганда дўқондаги маъсул сотувчи харидорнинг маълум молни сотиб олганлиги ҳақидаги ҳужжат-чекни бериши керак. Мана шу ҳужжат асосида харидорнинг талабига жавоб бера олмаган ҳар қандай саноат моли дўқонга қайтарилиши мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилинаётганда эса харидор текширув тарозиларида ўзи танлаган молини қайта тортиб кўришга ҳаққи бор. Аммо шунини таъкидлаш жоизки, харид қилинган озиқ-овқат моллари дўқонга қайтариб олинмайди. Чунки бу турдаги маҳсулотларнинг истеъмолга муддати жуда қисқа бўлади.

Сўхбатдош
Беруний СУЛТОНЗОДА

«Оила ва жамият» 29(152)

ҚОВУННИ ЕНГИЛИДАН, ТАРВУЗНИ ОҒИРИДАН ОЛ

Мана сахий ёз ҳам ўз нурини тукиб, элимиз дастурхонига файз киритиб турибди. Хар ерда мўл-қўлчилик, тўкинчилик. Айниқса, табиатнинг энг аъло шифобахш неъматини қовун-тарвузларни айтмайсиэми. Еган сари егингиз келади.

Кишининг кундалик эҳтиёжига 50 миллиграмм С витамини зарур бўладиган бўлса, ўртача катталикдаги бир тарвуз-қовунда 25-35 миллиграмм С витамини бор экан. Шунингдек энг ширин тарвуз-қовунда қанд моддаси миқдори 16-18 фоизгача боради.

Абу Али ибн Сино қовуннинг шифобахшлик хусусиятлари ҳақида гапириб, жумладан шундай деган: «Пишгани латиф ва хоми гализдир. Терини тозалайди, айниқса, уруғи сенкел, доғ ва бошининг кепаклинишида фойда қилади.»

Қовун шарбати киши организмни глюкоза билан татминлаб, организмда пайдо бўлган хар қандай зарарли чиқиндиларни нура-

тиш, уларни чиқариш қобилиятига ҳам эга.

Шифобахшлик хусусияти бундан тахминан 4 минг йил муқаддам шарқ халқларига маълум тарвуз эса чанқоқ босди, чарчоқ тарқатадиган неъматдир. Халқ табобатида сариқ касаллиги билан оғриган беморларга, беағак хуружиде, камқонликда дармон бағишловчи сифатида, ўт ва сийлик йўлларида тош бўлганда тарвуздан кўпроқ истеъмол қилиш тавсия қилинади.

Тарвуз тўйимли неъмат сифатида ҳам инобатга олинади: Чунки 100 грамм тарвуз 40 каллорий қувват бериши мумкин.

Буни қарангки, тарвузнинг пўчоғи ҳам фойдали экан. Уй шароитида тарвуз пўчоқларидан куйидагича доривор тайёрланади: 100 грамм қуритилган тарвуз пўчоғига 0,5 литр қайноқ сув қуйиб дамланади ва 1-2 соат тийдириб қўйилади. Дамлама шарбатидан ярим стакандан кунига 4-5 маҳал

ичилади. Бундай муолажа йўтон ичаннинг ўткир ва сурункали яллиғлинишида яхши фойда қилади.

Жумхуриятимида юмшоқ этли ўртапишар, қаттиқ этли ўртапишар, кам ва узоқ сақланадиган қовун-тарвузлар етиштирилади.

Ана шундай қатор хусусиятларга эга қовун-тарвузнинг, яхши пишган-пишмаганини танлай бил олиш лозим. Билмасангиз билб олинг. Уздан хушбўй хид таратадиган, рангги латиф, дум қисми қуриган, чертганда тинкил-лайдиган, икки қафтингиз орасига олиб свикиб қўрганда гижир-лайдиган тарвуз яхши пишган бўлади. Шунингдек чўлда етиштирилган қовун-тарвуз ҳам жуда ширин ва соф табиийдир. Булардан шу исенк кунларда янада кўпроқ истеъмол қилиш айни муддаодир.

ДИЛБАР тайёрлади

БИЛАСИЗМИ!

Бизнинг космосдаги энг яқин қўшимиз Ер йўлдоши бўлмиш ойдир. У планетамиз атрофида атиги 384 600 километрлик масофада айланади. Унинг нури бизга 1,25 секундда етиб келади. Пиёда йўловчига эса бу масофани босиб ўтиш учун 12 йил юришга тўғри келган бўлар эди. Жаҳонда биринчи совет космик ракетаси бу масофани 35 соатда босиб ўтди.

Ер остида жуда кўп сув запаслари бор. Жумладан, 800 метр ер қатламида тўрт миллион кубометр сув бўлади. Бу — бутун дунёдаги дарёларнинг сувидан уч минг марта ёки кўл ва денгизлар сувидан 20 марта кўп.

Агар Ўзбекистон территориясида ҳозиргача қуриб ишга туширилган каналлар кетма-кет уланса, у билар ер куррасининг қоқ белидан уч марта «белбоғ» қилиш мумкин.



— ТАРВУЗДАН ОЛИНГ

Табриклаймиз!

Азиз йўғлим

АЗИМУЖА!

44-ёшини қаршилаганинг қутлағ бўлсин. Ҳамиша танжонинг соғ бўлсин, болам. Фарзандларинг ва бизнинг бахтимизга омон бўл! Бутун оиламиз номидан онанг МУАЗЗАМ.

Ҳурматли отажонимиз Шаймардон ХАЙИТОВ!

Сизни 5-август — туғилган кўнингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Аллоҳдан биз фарзандларингиз бахтига мўдом соғ-омон, бардам-бақувват юришингизни тиллаб рафиқангиз ОЙСАРА, фарзандларингиз номидан НОР-БУТА. Қамаша шахри

Дилбандимиз, ширинтойимиз НУРСУЛТОННИ қўлдуг 1 ёши қаршилаётгани билан чин юракдан табриклаймиз. Илоҳим умринг

боқий, юзинг ёруғ ва осмоннинг тиниқ бўлсин. Сенга худодан юз йил умр тилаб қолувчи, БУВИНГ ва БОБОНГ ЖОНУЗОҚ, СЕРГУЛ, ота-онанг МАЪМУР ва ОЙША, онанг МУҲАЙЕ ва аканг МАҲМУДЖОНлар.

Чортоқ тумани. Сөзсой қишлоғи

Азизимиз Моккина Елена ва Виктор Ангелов! Сизларни 6 августда ўтадиган висол оқшомларингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Келгуси ишларингда равнақ, ҳаётингиз бахт гулларига мўдом бурканишини тилаймиз деб Фотонабор ходимлари.

Хусусий эълон

Тошкент шаҳридаги № 136 ўрта мактаб томонидан 1993

йил Мирагзамова Индирахон Миршукуроова номига берилган А № 4222167 рақамли аттестат йўқолганиги сабабли бекор қилинади.

Оила

32 ЕШДА

Фарғонаданман. Табиатан очик кўнгил, дили пок инсон бўлишга интилиб яшаб келяман. Шунинг учун бўлса керак ўзимга ёқадиган қизни ҳануз излайман. Ибони, 20-31 ёшгача бўлган муслима билан мустаҳкам оила қуриш умидидаман. «Оила-342»

22 ЕШДА

Сурхондарёликман. Оиламиз тўғрисида: отам икки йил олдин оламдан ўтган, онам билан яшайман. Оилада ёлғиз қизман. Маълумотим

ўрта, ҳисобчи бўлиб ишлайман. Қариндошимизга турмушга чиқиб кўнгилсизлик туфайли ажрашдим (ҳали ёшга тўлмаган фарзандим бор). Ҳовлимиз жуда катта. Ақлли-фаросатли, оилапарвар йигит бўлса танишиб бахтли оила қурмоқчиман «Оила-343».

ИЗОҲ:

Самарқандлик ЮСУФ-ЖОН! «Оила-271» тартиб номеридаги жувон турмушга чиқганини сизга билдиради.

Ўрта Чирчиқлик ШОҲИДА-ХОН, фарғоналик ОЗОДА-ХОН! Сиз сўраган манзил тахририятимизнинг «Оила» бўлимида қайд этилган.

Дераза

ЛЕНЯ НИМАГА ИНДАМАДИ!

Ўтган ҳафта самаралик Леня исмли одам тўртинчи қаватдан муваффақиятли сакради. 3-тиббиёт бўлимидагилар Леняни яхши кутиб олишди. Унга атиги бир ҳафта ичида янги оёқ қўйишди. Дўхтирлар хайрлашаётиб, «қаҳрамонга» ҳеч шундай деб илтимос қилдилар: «Леня, иложи бўлса бундан кейин сакраманг».

Аммо нима учундир Леня индамади.

«БАРАБАШКА» ВА ЕТТИ МУШУКЧА

Мана М. Смирнова исмли хоним бир неча кундан бери ўз ошхонасида ухламасдан тонг оттиради. Қозонлик аёлнинг ягона умиди шундан иборатки, ҳеч бўлмаса кечаси полга учиб тушадиган идиш-товоқларнинг биронтасини омон сақлаб қолиш.

Кувноқ барабашкалар чойнак қопқоғини, сув идишининг тиқинини ва девордаги сунъий безак гулларини ерга улоқтиришни хуш кўришади. Бека аёл барабашкаларнинг ишқи тушган барча жисмларни гиламининг устига олиб қўйди. Қизини шундаки, полдаги нарсалар ҳам қимирлайвериб, кишининг асабини буза бошлади. Ажабланарли ҳодиса ҳали олдинда экан. Ушбу хонадонда бир неча йилдан бери яшаётган ва ҳар сафар бор-йўғи икки-учтадан бола туғайтган она мушук бирданига еттита мушукчали бўлди.

ОНАЛАРГА ИНСОФ БЕРСИН

Ўз ҳурматига эга бўлган, Уфада истиқомат қилувчи аёлнинг кунига ҳеч ким қолмасин. Зиёли онанинг кичик фарзанди йиртиқ иштон ва эски кўйлак кийиб, марказий бозор ичкарисида бўйнига тахтача осиб юрган эди. Унинг тахтачасида: «Болалик ногиронига ёрдам беринглар» деб ёзилган эди. Бозорда юрган яхшилар бечора боладан нимага бундай ҳиллатга тушиб қолганини сўраганларида у хомушлик билан: «Касалман, оёқларим яхши юрмайди»,— дея жавоб беради.

Тиланчи боланинг ёнгинасидан ўтаётган кўркам аёл бирданига чинқириб юборди. Чунки аёл ўзининг ногирон рўлини уйнаётган ўғлини учратиб қолган экан. Уйлаб кўрингчи, болага инсоф берсинми, ёки онага...

БИР СОНИЯ КИФОЯ ҚИЛДИ

Суздалск туманидаги Садовий посёлқаси участка инспектори Виктор Шатрунов шахсий қуролини бир сония эҳтиётсиз қолдирди. Амакисиникида меҳмонда юрган ёш жангчалар қуролини қўлга олишди. Натижада 3 яшарлик Серёжаннинг бошига ўқ теғди. Гудак ўша заҳоти жон берди.

ХОРИЖИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДАН ОЛИНДИ

Тахририятимизга мактуб йўлласангиз мактубингизни ўз эгасига вақтида етказамиз. «Оила» бўлими

«Танишув» эълонининг баҳоси 15 сўм, шунингдек «Табрик», «Узаро савдо» эълонлари куйидаги тартибда белгиланган: 1 босма белгисиз (ҳарф, тиниш белгиси) баҳоси 10 тиқин. Табрик сурати билан берилса, битта суратнинг баҳоси 10 сўм.

Ун кун муҳлат ичида бериладиган эълонлар икки барабар қиммат.

Эълон учун тўланадиган пулни почта ёки телеграф орқали ўтказиш йўли билан куйидаги манзилга жўнатинг. Тошкент-78, Мустақиллик майдони, 5-уй, «Оила ва жамият» тахририятига.

Эълон ва табриклар тахририятда ҳам қабул қилинади.

«Оила ва жамият» 29(152)

Аброрни ўн йилдан буён аниқроғи абитуриентликдан билман. Уқшига киролмай «ийқилиб» қайтганмиз. Кейин яна... Ҳарбий хизмат... Қисқаси Аброр Ҳакимов ўтган йили ТошДДнинг химия факультетини тугатди. Уйдагиларга оғирлик қилмасин дея, кўндузи ишлаб, кечкурун ўқиди. У ҳақда ёзаётганимга сабаб асло яқин танишлигим эмас, балки бўлажак ёки алақачон талабалик гаптини сураётган укаларимизга ибрат бўлсин деган самимий ва халис нишадир. Аброр ҳозир Жумҳурият илмий технология комплексида ишлаш билан бирга Шарқ яққакураши билан ҳам жиддий машғул.

— Индивидуаллик, мустақиллик интилиш, ҳар бир нарсасига шахс сифатида қараш... Тўда психологиясини тарк этиш... Комилликка интилиш...

— Дейлик кўчада яхши кўрган қизингиз билан кетярсиз. Уч-тўрт безори гап отди. Сизнинг ҳаракатингиз!

— Тушундим. Аввало энг пасткаш одамгина йигит-қиз кетаётганда гап отади. Лекин имкони борича тасодифий тўқнашувлардан одам ўзини тийиб туриши керак. Бундай пайтда ақлли қиз йигитни олиб кета олади. Бундан йигитнинг обрўи тушиб қолмайди. Агар ҳеч иложи топилмаса санъатингизни ишга солишингизга тўғри келади.

— Шундай ҳолатда қолганмисиз!

— Йўқ, сал бошқачароқ бўлган.

— Айтиб беринг.

— Э-э, қўйинг...

— Уқувчиларимизга қизиқ-да. Қолаверса ҳаётдаям кинолардагидек бўлармикин.

— Ноқулайроқ-да... Бир кунни йўлда, уч йигитдан бири ёлғиз кетаётган қизга гап ота бошлади. Қиз ҳам шад-додроқ эканми «яхшилаб» жавоб қайтарди. Йигитга ўтиб кетди чоғи, бориб қизни сўкканча қўли билан турта бошлади. Аралашмасам бўлмасди, қизни ажратиб, йигитни тартибга чакирдим. Унинг жаҳли чиқиб турган экан, «йўлингдан қолма», деб бақирди. Енида дўстлари бор эди, кетмаганимни кўргач қорнимга туширди. Яна «илтимос йигитлар, кетинглар» дедим. Яна урмоқчи бўлганди, чап бериб жим қилиб қўқолдим.

— Қандай қилиб!



— Айланиб тумшугига тегандим. Дўстлари дарров тушундик дейишди. Лекин барибир бир қанча вақт урганимдан ва йигитларимизнинг қизларга кучини кўрсатаётганлигидан қийналиб юрдим.

— Қиз боланинг айби йўқмиди!

— Унинг айби йигитлар «гапи» га жавоб қайтаргани. Заифа дегани «аҳмоққа жавоб — сукут» деган ақидага амал қилса дуруст бўлади.

— Еш йигитларга маслаҳатларингиз! Шўғулланиши қачондан бошлаш керак. Айримлар болаликдан бошламас бўлмайди дейишди!

— «Кэмпо» китобида 65 ёшгача бошлаш мумкин дейилган. Қолаверса, ҳамма

санъат бир. Ашула айтаман, рубоб чалишга уриниб кўрамиз. Қўлдан келмаса ташлаб кетамиз. Кэмпоям худди шундай. Лаёқат, интилиш бўлмаса... Кўп шўғулланиш, чидам, бардош бўлса ҳаёт сизга ҳаммасини беради.

— Шарқ яққакурашининг шеърятга алоқаси борми, шеър ҳам ёзаркансиз.

— Дунё бир бутун. Қолаверса, шарқ яққакураши санъатдир. Санъат эса шеърятдан айро тушунча эмас... [Дарвоқе, Аброр шеърлари хусусида тахририятимизда илқ фикрлар айтилди. Қуйида унинг шеърларидан намуна беришни лозим топдик.]

ҲАЛИМ СУҲБАТЛАШИ



— Умуман шарқ яққакурашининг қайси тури билан шўғулланасиз!

— Кэмпо дея номлашган. Бу кураш шарқда кенг тарқалган.

— Ҳар ҳолда Кэмпо ҳақида ёшларимиз яхши билишмас керак. Шунинг учун...

— Кэмпо хитойчадан таржимда «ҳаёт мактаби» маъносини беради. Унинг бошқа шарқ яққакурашларидан фарқи шундаки, ўқув китобида зарблар на расм ва на сўз орқали ифодаланган. Балки, фақат зарбнинг моҳияти келиб чиқиши, бошловчиси ҳақида маълумот бериллади. Уни қандай амалга оширишни ўзингиз ўйлаб топишингиз керак. Қисқаси Кэмпо икки оғиз сўз билан тушунтириш қийин.

— Кўндузи ишлаган, кечкурун ўқиган бўлсангиз, қачон шўғулланишга вақт топгансиз!

— Тунда. Шаҳарча уйкуга чўмганда... Елғиз... Одамзод

ҳамма нарсага улгуради, фақат вақтни тўғри тақсимлаш керак холос.

— Нега йилдан буён шўғулланасиз!

— 5 йил бўлди.

— Нима туртки берган.

— Хизматда биз Ўзбекистонликлар бошқаларга нисбатан кучсизроқ эдик. Иккинчи туртки Зебо Мирзаеванинг шеъри:

«Кетмонингга таъзим қилавергунча,
Шамшир ўйнатишининг сабоғини сўр»

— Утмишда бизнинг давлатимиз ҳудудиде каратэ, кун-фу каби яққакураш турлари бўлганми!

— «Темурнома»да шундай воқеа ёзилган. Амир Темур ўзининг минг аскар билан Тўхтамишнинг ўн минг аскарига қарши чиқади. Темур голиб чиқади. Қизиги, бирор аскарини ҳам йўқотмайди. Хулоса шуки, аскарлар умумий жанг қондаларидан ташқари яққакураш санъатини ҳам яхши эгаллаганлигидан далолат беради. У қуролсиз ҳақда қуролли кураш санъатларини ўз ичига олади. Уни «Нинзя» санъати билан таққослаш мумкин.

— Шўғулланишдан мақсад нима!


ЕНГИЛМАС ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

Мавжлана бошлайди шамол шаштидан
Кўнглининг сокинлик чўккан денгизи.
Қайсга айланаман жунун даштида,
Сенинг висолинг деб, Ҳижроннинг қизи.
Йўқ, мен ўтмишдан чекинганим йўқ,
Битмаган қалбимнинг яралари ҳам.
Жонимга нафратга айланган маҳлуқ
Хуруж қилиб турар ҳали думба-дам.
Қасдим йўқ кўнглимни гўссага соғиб,
Мозийга бекинган гуноҳларимда.
Муҳаббат дарди ҳам юзхотир эмас,
Дийдорингга ташна нигоҳларимда.
Зеро, уқубатга кўмилган дунё
Менга шу қисматни кўрибми раво,
Демак ҳаёт ҳали тугагани йўқ,
Кўнгли дардлари ҳам эмас бедаво.

Изтироб чекаман, изтироб — оху,
Жисму жонимга ўт тушади гўё.
Севги — дард тўқилган қалбимга доғ-у,
Умрим — Ҳижрон кўйи таралган дунё.
Юрак — кўксимдаги азоб уммони,
Орзу — тун қўйнида осилган ҳилол.
Ҳижрон — бу гўссанинг сўнгсиз карвони,
Армон — сен йўқотган вафога тимсол.

Мен билмадим, билолмадим ҳеч,
Билмам, нени кўнглим тусайди?
Ваҳм тушар юракка ҳар кеч,
Чунки унда кимдир яшайди.
Мен билмадим, билолмадим ҳеч,
Ким қалбимга гулхан ёқади?

Ҳаёлимда Қашқадарё ҳам
Тескари томонга оқади.
Мен билмадим, қайда, қаёнда,
Муҳаббатим саргардон, дайди?
Уни кутиб, ҳаловати йўқ,
Юрагимда кимдир яшайди.
Билмам, нега руҳи жонимни
Тарк этмайди сокин фироқлар,
Унутилиб кетганку ахир,
Вақт домиди яқин-йироқлар.
Қани энди кўксимда маҳзун
Дуп-дуп қадам саслари тинса.
Ҳаловатин йўқотдим у ё
Юрагимда жой олган кимса?
Билмам нега алданган рўё.
Вужудимда мунча тўлғанар?
Балки, мунис Кўқоннинг қизи
Юрагини мандан қизганар?



МАШҲУЛОТ ПАЙТИДА

Мен билмайман, билганим шудир,
Кўнглим нотинч тунга ўхшайди.
Кўё ўнгимда ҳануз оромсиз
Бир нотаниш қизча яшайди.

СОКИН ИЗТИРОБЛАР

Шубҳанинг чимматин ол юзингдан Ой,
Дийдоринг майига кўзларим қонсин
Илоҳнинг нигоҳи тушган дилингда
Севги гунчалари сархуш уйғонсин.
Севмоқдан чўчима севилган бўлсанг,
Кўйинма қалбингга изтироб тўлса.
Е ошкор айлаги, дунёда билсанг,
Уртаниб севмоқдан ортиқ бахт бўлса.
Саботим сирларин сочдим осмонга,
Тоқатим тоқ бўлди, чорам йўқ нетай?
«Шунчаки» дунёдан бошимни олиб,
Айт, ахир севгим қайларга кетай?
Тайини бўлмагач борар манзилниг
Қибласиз томонга кетмоқ ҳам абас,
Чунки, Ҳижрон ила саргардон дилингда
Манзили биттадир минг битта эмас.
Шубҳанинг пардасин ол юзингдан Ой
Покиза бўлсанг гар кўзларимга боқ.
Е сокин ҳисларнинг изтиробидай
Утли юрагимдан дарё бўлиб оқ!

Йўқ, мени ҳаваслар алдаган эмас,
Алданган ҳавас ҳам меникимасдир.
Қалбимни тарк этган севги деган сас,
Севги деганлари асли ҳавасдир.
Нега дўстим мени тергаб қолдингиз,
Менга ҳароратли шубҳали боқиб?
Бу тўзғин ҳаёллар меники эмас,
Уйларим кетдилар Осмонга оқиб...

Маъшум «ЭСЭС» таркибида «Ананербэ» деб номланган яширин бир ташкилот бўлган. Таржимда бу сўз «Аждодлар мероси» деган маънони англатади. Фашистлар устидан ўтказилган халқаро Нюрнберг суд жараёнида бу ташкилот атиги биологик тажрибалар ўтказишда айбланган. Ҳолбуки, унинг аъзолари кўпроқ оддий инсон ақли бовар қилмайдиган қадимий, илохий билимлар бўлиши окулътизм ва мистика билан то учинчи рейх қулагунга қадар шугулланганлар..

Хўш, ўз вақшийликлари билан ном чиқарган фашистларга мистика ва окулътизм, яъни илохий ва рухий билимларни ўрганиш нега керак бўлиб қолди?

Гитлер буйруғига биноан «Ананербэ» дагилар бутун ер юзидида мавжуд бўлган яширин ташкилотлар ва масон жамиятларига тааллуқли бўлган материалларни тўплай бошладилар. Қадимги Тибетнинг сирли черковлари ҳам уларнинг назаридан четда қолмади. Шу тариқа фашистлар қўлида жуда ноёб архив материаллари тўпланиб қолади. Уруш тугагандан сўнг архивларнинг изи йўқолади. Кейинчалик, орадан анча вақт ўтгач, Франциялик Маркио исми бир шахс, «Ананербэ» архивларининг бир қисми Варшавада яширилган, бир қисми эса, 1945 йилнинг охирида СССРга олиб кетилган, дея тахмин қилади.

Дарҳақиқат, бундан эллик йиллар муқаддам архив собик иттифоққа келтирилган. Бироқ у етарли даражада ўрганилмаган, чунки ўша пайтда бунга эҳтиёж сезилмаган ва сир сирлигича қолиб кетган. Маълум бир қийинчиликлардан кейингина «Ананербэ» материаллари архивларнинг биридан топилган. Фақат шундан сўнг фашизмнинг келиб чиқиш тарихи ва асл моҳиятини ўрганиш имконияти туғилди.

XX аср бошида инсоният илохий ва рухий билимларга нисбатан ўзида жуда кучли бир эҳтиёж сезди. Уша пайтда турли манбаларга таянган яширин ташкилотлар, сирли жамиятлар фаолият кўрсата бошладилар. Айнан, 1921 йил «Ананербэ» рўйхатида Венада ин қурган «Грфо Фо: Листо» яширин ташкилотнинг гуллаб-яшнаган даври деб кўрсатилган. Худди шу йиллар ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган Адольф Шикльгрубер (яъни, бўлғуси Гитлер) ҳам

Венада яшар эди. Баъзи маълумотларга қараганда бўлажак фюрер шахсан фон Листонинг ўзи билан учрашиб турган. Балки, шу учрашулар натижаси ўлароқ, Шикльгрубер ҳаётининг қолган қисми белгилаб берилгандир. Буниси бизга қоронғу.

Рўйхатларда «Туле» деб номланган яширин бир ташкилот ҳам қайд этилган бўлиб, уни барон фон Зибатендорф бошқарган. «Туле»нинг филиали сифатида эса миллий-социалистик партия фаолият кўрсатган. Инсон фаолиятини бошқариш, уни ихтиёрсиз роботга айлантириш фикри фашист маддоҳларига тинчлик бермас эди. Бундай ўзга ғояларни амалга ошириш учун уларга ҳаракат қилувчи куч — партия керак эди, холос. Миллий-социалистик партия худди шу мақсадда тузилганди.

Биз яна шундай бир маълумотга эга бўлдик. Гитлер туғилган жойдан

бетда 40-минутлик гаройиб бир филми ҳам суратга олганлар.

Биз яна Миллий-социалистик партия тарихига қайтсак. Бу партиянинг бошида турган ilk дарғалар қуйидагилар эди: Антон Дрехслер (слесар), Адольф Гитлер (ҳарбий демагог). Учинчи шахс эса, спорт шарҳловчиси — Харкер. Айниқса, Гитлер ўзининг қаттиққўллиги, темир интизоми ва ёвуз ниятлари билан, кўзга айрича ташланиб турар эди. Маълумки, Гитлер ҳокимият тепасига демократик сайловлар оқибатида келади. Хўш, нега жаҳонга Гегель, Фейербах, Манн каби файласуфларни етказиб берган немис халқи, бундай мудҳиш хатога йўл қўйди экан!? Бу саволга жавоб топмоқ осон эмас.

Яна шуни аниқлашга муваффақ бўлдикки; Гитлер ҳокимиятга эга бўлмасидан бурун, Австрия ва Германиядаги барча яширин ташкилотларни

ФАШИСТ «ЭСЭС» ЧИЛАРИНИНГ МАХФИЙ ИШИ

«ЭСЭС» вужудга келади. «ЭСЭС» таркибида эса, энг сирли ташкилот «Ананербэ» тузилади. Мазкур кучларга таянган фюрер инсониятга қарши қаратилган ёвуз режаларини амалга ошира бошлайди. Вақт ўтган сайин, буюк фюрер ва айёр Гимлернинг оралари бузила бошлайди. Бунга сабаб, Гимлер ўз маслақдошлари билан кўпроқ иртерфашизм ғояларига мойиллик билдирар, Гитлер эса немис фашизмининг жаҳон устидан ҳукронлик қилиши тарафдори эди. Мабодо иртерфашизм ғояси Адольфга мақбул келганида борми, унда бугунги жаҳон сиёсий харитаси тамомила бошқача бўлур эди, балки.

«АЖДОДЛАР МЕРОСИ»НИНГ КИРДИКОРЛАРИ

сал нарироқда, Бенедиканларнинг эски бир черкови бўлган экан. Ушбу черков хўжайини Теодор Хагган исмли аббат бўлиб, бу киши узок вақт шарқ бўйлаб саёҳатда бўлган. Мазкур саёҳат давомида у мистикага оид бўлган қандайдир фантастик қўлёзмаларни топиб ўзи билан бирга олиб келади. Қўлёзмалар маълум бир муддатда черковда сақланади. Бу пайтда ёш Адольф черков хорида қўшиқ айтар эди. Бениҳоят қизиқ бу боғланишлар кишини ўйга толдиради, албатта. Шу ўринда яна бир нарсани эсда турсак: ҳамма вақт илохий ва рухий билимларга асосланган китоблар, қадимий қўлёзмалар шарқдан ғарбга олиб келинган. Европанинг ҳар томонлама ривожланишида, шарқдан «ўғирланган» билимларнинг ҳиссаси катта деб фараз қилиш мумкин. Бундан ташқари чет элликлар учун ёпиқ ҳисобланган, мистиканинг ватани бўлмиш Тибетда иккинчи жаҳон уруши давомида фақатгина фашистлар ўз илмий текширишларини олиб борганлар. Ҳатто, «Ананербэ»дагилар Ти-


бирлаштирган. Ва эндиликда «Германен ордени» деб аталадиган ягона ташкилотнинг буюк магистри лавозимига сайланган экан. Шогирдининг хавfli ўсишидан ташвишланган, барон фон Зиботендорф унинг ўтмишидан жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида «Авалги Гитлер» китобини ёзади. Аммо энди кеч бўлган, фюрер барча устозларидан ўзган эди. Энди Гитлер миллионлаб немисларнинг ақли устидан раҳбарлик қилишга қодир эди. Зиботендорф китоби дарҳол йўқ қилинди. Унинг ўзи эса Германиядан қочади. Фашистлар уни бутун дунё бўйлаб изладилар, топдилар ҳам. Лекин Гитлер ноёб маълумотларга эга бўлган устозини ўлдиришга қўли бормай, Туркияга бадарға қилиш билан чекланди, холос. Барон Туркияда жуда қизиқ ҳолатда, 1945 йилнинг 9 майида, яъни уруш тугаган кунни денгизда чўкиб ўлади.

Ҳокимият тепасига келган Гитлернинг биринчи қилган иши, ўз шахсий ташкилотини тузиш бўлди. Шу тариқа

Фашистлар инсоният устидан олиқ ҳокимият ўрнатишга ҳаракат қилишган. Бунда улар энг кучли қурол ҳисобланган ақл, сўз, фикр каби бебаҳо бойликлардан фойдаланишга ҳаракат қилишган. Масалан, «Ананербэ»даги ёвуз мистиклар ҳаттоки қадимги руини ёзувларининг ҳам ечимини топган. Бу ечим ёрдамида улар таъсир қиладиган аппарат яратадилар. Унинг инсонга таъсири чексиз бўлиб, бу аппарат одамни ҳаддан ташқари севинтириши, хафа қилиши, хотирасини йўқотиши мумкин бўлган даҳшатли кучларга эга бўлган. «Ананербэ»даги қаттоллар мистика ва коинот сирларининг чамбарчас боғлиқлигига қаттиқ ишонишган. Ҳамда бу боғланиш изларини тинмай излашган. Чунки улар инсоннинг эркини тортиб олиб, ўзини ҳайвон сифат қулга айлантиришни мўлжаллаган эдилар.

Урисчадан Хушвақт АБДУЛЛАЕВ ўғирди

БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛМАГАН



Маълумингизким, газетамизнинг 24-сонидида «Женерал Моторс»нинг кашфиётлари сарлавҳаси остида оламга танилган «Омега» автомобили тўғрисида сўз юритган эдик. Едингизда бўлса керак, ушбу энгил машина 1994 йилнинг энг зўр автомобилларидан деб тан олинган.

Ҳозирги фурсатдан фойдаланиб сизларни «Женерал Моторс»нинг ҳали ҳеч ким билмаган ва ҳеч қаерда кўрсатилмаган яна бир янги энгил автомашинаси билан таништирмоқчимиз. Бу машина «Астра-95», яъни келгуси 1995 йилнинг машинаси деган номни олиб улгирди. «Опел Астра»

1994 йилнинг 1-ярмида Оврупонинг Дания, Ирландия, Нидерландия, Португалия ва Швейцария каби мамлакатларида сотувга қўйилди ҳамда ушбу автомобиллар ўз харидорлари қўлига тезда етиб борди. Ҳаммамиз яхши биламизки, 90-йилларга келиб автомобиллар

га қўйиладиган харидор талаби тубдан ўзгарди. Бу талабнинг асосий моҳияти эса машинанинг экологик тоза, қувватли ва хавфсиз бўлишидан иборатдир. Шунинг учун ҳам «Опел» фирмаси 1995 йил учун тайёрланган «Астра»га ҳечбек, седан, универсал ва кабриолет каби мутлақо янги

қисмларни киритди. «Астра-95» 25-45 ёшлардаги барча кишилар, яъни ёлғиз эркак ва аёллар, оилавий жуфтлар, оила ва болалар учун мўлжалланган.

Спорт бурчаги

Яқинда шахримиз боғларининг бирида ошхўрлик бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда дунёнинг турли бурчакларидан: Малайзия, Сингапур, Корея, Вьетнам, Хоразм, Фарғона, Андижон, Наманган каби жойларидан 789 та ошхўр иштирок этди. Голлиблик фақат бир кишига, андижонлик Урайим бобо Паловбоевга насиб қилди. Ҳозир машҳур Урайим бобо билан қилган суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

лаб ва бўралаб ейдиганлар — очкўз бўлади. Ошатиб ейдиганлар — хушчақчақ бўлади, бостириб ейдиганлар — шошқалоқ бўлади...

— Ошини қўлда еган маъқулли ёки қошиқда!

— Қошиқ билан майдалаб ўтиргандан, қўл билан еган яхшироқ. Нимагаки, вақтдан ютамиз. Катта мусобақаларда қошиқ билан ейишга рухсат берилмайди. Кечаги мусобақада Сингапурлик ошхўр қошиқ билан қўлга тушиб, мусобақадан четлаштирилди.

— Уй оши билан чойхона ошининг фарқи нимада!

— Уй ошини бемалол ейсиз,

ОШХЎРЛАР

— Ҳурматли Урайим того, айтинг-чи, ошхўрлик бу — спортми ёки санъатми!

— Санъат, болам, санъат! Ошхўрлик спорт бўлганда эди, ошини югуриб туриб ейишга тўғри келарди.

— Бизда ошининг йигирмадан ортиқ тури мавжуд. Бу ҳақда Карим Маҳмудов «Миллий таомлар» китобларида санаб ўтганлар. Энди сиз айтинг-чи, ошхўрликнинг неча хил усули мавжуд!

— Усули, кўп, болам! Босиб ейиш, осиб ейиш, чимчиб ейиш, қимчиб ейиш, ўралаб ва бўралаб ейиш, ошатиб ва бўшатиб ейиш, қўлда ейиш ва чўлда ейиш, қошиқда ейиш... Хуллас тури кўп, болам. Ош ейишига қараб, одамнинг характери ҳам билса бўлади. Бировлар ошини чимчиб ейди, бу тоифадагилар лапашанг бўлади. Ура-

нимагаки, қолса, эртаси куни истибб ейсиз. Чойхона ошини қолдирмай ейсиз, нимагаки, қолса, чойхоначига қолиб кетади, шунинг учун кўзингиз қиймай охиригача оласиз...

— Энди анъанавий саволларга ўтсак. Эрталаб турасолиб нима қиласиз!

— Ош ейман.

— Тушда-чи!

— Ош ейман.

— Кечда ҳам ош есангиз керак!

Бўш пайтларингизда нима қиласиз!

— Ош ейман.


— Ош емаган пайтларингиз-чи!

— Чой ичман.

— Чой бўлмай қолганда-чи!

— Яна ош ейман...

Наби ЖАЛОЛИДДИН



УХШАТМАСА УЧРАТМАС

Тунда икки қиши бир-бирига рўпара келиб қолади. Бирови қўйнидан личоқ чиқариб, иккинчисига дўқ урди:

— Пулингизни чиқар!

Иккинчиси эса дарҳол чўнтагидан тўлпонча чиқариб.

— Қанча? — деди.

— «Мен сизда эллик сўмликка майда топилмайдими», демоқчи эдим, — деди биринчиси қалтираб.

...УЧИНГИ ОЛАМАН...

Иккита милиса ходими меҳмонхона хоналарининг бирида яширишиб олган ўта хавфли жиноятчини қўлга олиш режасини туза бошлашди.

ЛАТИФА

— Сен биринчи бўлиб хонага бостириб кирасан, — деди биринчиси иккинчисига, — сўнг мен бостириб кирман-да, ундак сенинг ҳам ўчингни оламан...

БИР КУНДА-Я!

— Хусусий шифохона эгаси мени бир ҳафта ичида оёққа турғазига вағда берди.

— Ниқилиб вағдасига турдимиз?

— У мени эртасигаёқ, оёққа турғазди.

— Бир кунда-я? Қандай қилиб?

— Ҳисоб-китоб варақасини кўрсатган заҳотиёқ оёққа туриб кетдим...

Тўловчи:

Иззатулла НОРҚУВВАТОВ

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Кўлда чўкиб кетиш қатъиян ман этилади. Чўкканларга ўн сўмдан ўн беш сўмгача жарима солинади.

Маъмурият.

СОТИБ ОЛАМАН

Қуёш нури яхши тушадиган жойдан икки метр квадрат ер сотиб оламан. Кўп соя тушадиган жойлар тавсия қилинмасин.

«ЙИЛ ФАСЛЛАРИ»

«Йил фасллари» деб номланган янги соч бўёғи сотилмоқда. Бўёқнинг аввалги бўёқлардан афзаллиги шундаки, бўёқни ишлатганингизда аввал сочингиз кўкаради, сўнг сарғаяди ва ниҳоят тўкилади.

Дўкон маъмурияти

ЙЎҚОЛИБ ҚОЛДИ

Яқинда шахримиз бозорларининг бирида ўғрини қўлга олиш вақтида тўсатдан жарбланувчи йўқолиб қолди. Жабрланувчини кўрганлар тегишли идораларга кўнғироқ қилсин.

ДЕМАК, СИЗГА КЕРАК...

Сизга керак бўлган барча нарсаларни дўконимиздан топишингиз мумкин. Агарда, бизнинг дўконда сиз қидираётган нарса йўқ бўлса, демак, ўша нарса сизга керак эмас. Дўконимизга марҳамат!

Уста БАҒО ўғли

1. Тезлиги энг катта нарса нима?
Ҳап.
2. Кимлар ўтирганда ҳам юради?
дегибегенимиз
3. Қора ит билан оқ итнинг фарқи нимада!
Рангада.
4. Уйқу қочмаслиги учун нима қилиш керак?
жарбэн шиго оиқои дриб инеҳу
5. Нега қарсақ чалинади?
нхўл илнғебмрўль шбо гўн
6. Сувдан қуруқ чиқиш учун нима қилиш керак?
сувқеж шпнўл оинангив инвнў
7. Кимлар кўпроқ бош билан ишлашади?
дермодарбег

Уста ГУҶМ

ЭНГ ҚИСҚА ЭРТАК

Бир бор экан, бир йўқ экан, узоқ ўтган замонда бир шаҳар бўлган экан. Бир кун иша шаҳардан бир қарор йўлга чиқибди. Йўл юрибди, йўл юрибди, йўл юрганда ҳам мўл юрибди, лекин манзилига етиб боролмабди. Илҳом ЗОИИР

Т Т Т ДЕВОРИДАГИ ЭЪЛОНЛАР

АҚДАН...

БАҚДАН...

Бош муҳаррир:
Абдухашим ИРИСБОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадаҳон ЕҚУБОВ, Фарҳод РУЗИЕВ, Муҳаббат ИБОДОВА, Ҳалим САЙИИД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САҒОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ,
Муассис: Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси.
Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармасининг «Чинор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.
Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик майдони, 5-бино, 3-қават
Телефон: 39-43-95
Икром ИСКАНДАР навбатчилик қилди.
Обуна индекси — 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма № Г-1063. 19044 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.